

XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕК ХОТИН-ҚИЗЛАРИ МАТБУОТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Махзуна КАМОЛОВА

таянч докторант

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон ўлкасида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар замирида ўзбек хотин-қизлар матбуотининг вужудга келиши ва тараққиёти таҳлил қилинади. Асосий эътибор 1920 йилларда ташкил этилган “Янги йўл” журнали фаолиятига қаратилган бўлиб, унинг пайдо бўлишига таъсир этган омиллар ўрганилади. Журналнинг газета шаклидан журнал кўринишига ўтиши, мундарижавий йўналишлари, рукнлар тизими, таҳрир хайъати таркиби ҳамда ижодкор аёллар фаолияти илмий таҳлил этилади. Шунингдек, “Янги йўл” саҳифаларида ёритилган аёллар масалалари давр матбуоти контекстида кўриб чиқилади. Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар қарашлари қиёсий асосда таҳлил қилиниб, журналнинг жадиदчиликдан шўро мафкурасига ўтиш даври публицистикасида тутган ўрни аниқланади.

Таянч сўзлар: “Янги йўл” журнали, аёллар матбуоти, жадидчилик ҳаракати, хотин-қизлар ҳуқуқлари, шўро мафкураси, миллий уйғониш, ўзбек матбуоти тарихи, “Хужум” ҳаракати, аёллар таълими, публицистика.

ФОРМИРОВАНИЕ ЖЕНСКОЙ ПРЕССЫ В УЗБЕКИСТАНЕ В НАЧАЛЕ XX ВЕКА

Махзуна КАМОЛОВА

базовый докторант

Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируется становление и развитие узбекской женской прессы в первой четверти XX века в контексте социально-политических преобразований, происходивших в Туркестанском крае. Основное внимание уделяется деятельности журнала «Янги йўл», основанного в 1920-е годы, а также изучению факторов, повлиявших на его возникновение. В работе рассматриваются переход издания от газетной формы к журнальной, его тематические направления, система рубрик, состав редакционной коллегии и деятельность женщин-авторов. Кроме того, проблемы, связанные с положением женщин, отражённые на страницах журнала «Янги йўл», анализируются в контексте периодической печати данного исторического периода. В статье на основе сравнительного анализа взглядов отечественных и зарубежных исследователей определяется место журнала в публицистике переходного этапа от джадидской традиции к советской идеологической модели.

Ключевые слова: журнал «Янги йўл», женская пресса, джадидское движение, права женщин, советская идеология, национальное возрождение, история узбекской прессы, кампания «Худжум», женское образование, публицистика.

XX асрнинг илк чорагида Туркистон ўлкасидаги миллий уйғониш жараёнлари, жади́дчи́лик ҳаракатининг фаоллашуви ва кейинги йилларда шўролар ҳокимиятининг қарор топиши мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Россия империясининг парчаланиши, октябрь инқилоби ва кейинги сиёсий ўзгаришлар минтақанинг барча жабҳаларида, айниқса хотин-қизлар ҳаётида ҳам туб ўзгаришларга сабаб бўлди. Айнан шундай мураккаб бир пайтда ўзбек аёллари учун илк марта мустақил нашр ташкил этиш ғояси туғилди. Бу ғоя 1920 йиллар бошларида ҳаётга татбиқ этилиб, кейинчалик “Янги йўл” журнали номи билан тарихга кирди.

1920 йиллар бошида Туркистонда шўро ҳукумати томонидан хотин-қизларни жамият ҳаётига кенг жалб этиш, уларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли субъект сифатида шакллантириш сиёсати фаоллашган бир пайтда махсус аёллар нашрига бўлган эҳтиёж янада ортди. Шу мақсадда партия марказий қўмиталари ҳузурида хотин-қизлар бўлимлари ташкил этилиб, улар тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун газеталар ва журналлар чиқариш ташаббусини илгари сурдилар. Зиё Саиднинг “Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870–1927)” асарида “Янги йўл” нашри ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Муаллиф қайд этишича, мазкур нашр дастлаб газета шаклида 1924 йил 1 январдан чоп этилган бўлиб, “Туркистон Иштирокиюн фирқа марказқўми қошидаги хотинлар бўлимининг фикр тарқатғучиси” сифатида таърифланган [13].

“Янги йўл” газетаси аввал икки ҳафтада бир марта, кейинчалик эса ҳафталик тарзда нашр этилган ва асосий эътибор хотин-қизлар озодлиги масалаларига қаратилган. Дастлаб газета бепул тарқатилиб, унинг адади аввал 500 нусха, кейинчалик 2000 нусхага етган. Нашр Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмида жойлашган биринчи босмахонада чоп этилган. Зиё Саид таъкидлаганидек, аёл муаллифлар камлиги сабабли газета материалларини

тайёрлашда кўп ҳолларда эркак муҳаррирлар иштирок этган. Газета фаолияти давомида хотин-қизлар саводхонлигини ошириш, уларни маърифатга чорлаш асосий вазифалардан бири бўлиб хизмат қилган. Бир неча йилдан сўнг нашр журнал шаклига ўтди.

Бу жараён ҳақида филология фанлари номзоди Марҳамат Алимова “Ўзбекистонда аёллар матбуоти тарихи” асарида 1925 йил ноябрь ойидан “Янги йўл” номидаги журнал нашрга тайёрлана бошлангани ва декабрь ойида унинг илк сони чоп этилганини қайд этади [1]. Миллий-ҳудудий чегараланиш жараёнлари ҳам журналнинг ташкил топишини тезлаштирган омиллардан бири бўлган. Гарчи нашр шўро даври мафкуравий тизимига бўйсундирилган бўлса-да, унда хотин-қизларни фаолликка, ижтимоий ҳаётга кадам қўйишга чорловчи даъватлар мавжуд эди.

1925 йил декабридан “Янги йўл” тўлиқ журнал сифатида чиқарила бошлади. Зиё Саиднинг ёзишича, журнал ойига икки марта нашр этилган ва унинг асосий мақсади хотин-қизларни билим билан қуроллантириш, уларни маданий ҳаётга олиб чиқиш ва меҳнат жамоаларида фаол иштирок этишга тайёрлашдан иборат бўлган. Дастлабки даврда журналнинг таҳрир ишлари билан таниқли шоир Элбек шуғулланган [13].

Республика матбуоти “Янги йўл” журналининг мундарижаси, сифати, тили ва услубини яхшилашда, аёл мухбирлар тармоғининг жойлардаги аёлларга таъсири хусусидаги ранг-баранг мақолалари билан ёрдам берганлиги ҳақида маълумотлар бор [1].

1926 йил 5-сонидан бошлаб, журнал саҳифасида алоҳида:

“Саломатлик”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Аёллар турмуши” “Эски ақидаларга қарши”, “Болалар тарбияси”, “Фойдали маслаҳатлар”, “Савол-жавоблар”, “Адабиёт”, “Чет элларда”, “Аралаш-қуралаш”, “Диққат”, “Янги йўл!” “Саводга ўрганинг” каби рукнлар очилгани кўзга ташланди.

1925–1927 йиллар мобайнида “Янги йўл” нашрининг таҳрир ҳайъатида кўпгина ўзгаришлар бўлган бўлса-да, у ўз фаолиятини давом эттиради. Бу даврда вақтинча масъул муҳаррирлардан, Л. Каримова, Лолахон Сайфулина,

Собира Холдоровалар ишлаган. Таҳририят аъзолари Робия Носирова, Комилжон Алимовлар бўлган. 1927 йил 23 майдан бошлаб Ўзбекистон КП(б) МКнинг матбуот бўлими тавсиясига кўра, таҳрир хайъатининг янги таркиби белгиланган. Булардан сиёсий бўлимни бошқариш Тожихон Шодиевага топширилган.

“Янги йўл”нинг адади 1925–1926 йилларда 2000, 1927 йилдан бошлаб 1000дан 1,5 минггача, 1928–1929 йилларда 2250дан 7000гача кўтарилган. 1934 йилга қадар, яъни “Янги йўл” журнали ёпилгунига қадар унинг 99 та сони чоп этилган [14].

Ҳукумат томонидан 1927 йил июль ойида бошқа нашрлар қатори “Янги йўл”нинг Самарқандга кўчирилиши, 1931 йил февраль ойида яна Тошкентга қайта кўчиб келиши журнал фаолиятига салбий таъсир кўрсатган. Айниқса, араб алифбосидан ҳали яхши тайёргарлик кўрмай, лотин алифбосига ўтилиши 30-йилларнинг бошидаги босмахона шароити, қоғоз танқислиги, мухбирларнинг камайиб кетишига сабаб бўлган ва “Янги йўл”нинг 1927–1929 йиллардаги мавқеини тушириб юборган.

“Янги йўл” журнали жамоасига таниқли публицистлар, ёзувчи ва шоирлар, хотин-қизлар бўлимларининг вакиллари ҳамда талабалар жалб этилган.

Жадидлардан, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Боту, Элбек, Мирмуҳсин Шермуҳамедов каби маърифатпарварлар, Зариф Баширов, Маннон Рамз, Ғайратий, Эркин, Султон Жўра, аёл ижодкорлардан Мунаввара Боқиева, Робия Носирова, Музайяна Алавия, Манзура Собирқориева – Ойдин, Баҳри Ғуломова, Раҳбар Алимова, Бувиниса Тешабоева, Лазокат, Тухфа Содик қизи, Раънохоним, Офтоб Қориева, Алматхон, Мунаввара Боқиева, Муниса Тешабоева, Ҳамида Аҳмаджоновалар, шунингдек, энг кўп учрайдиган таҳаллуслар – Лазокат, Шарофат, Саодат, Олия, Эркчи (Маҳбуба Раҳим қизи)лар фаолият олиб боришган.

Жумладан, Маҳбуба Раҳим қизининг “Янги йўл” саҳифаларида “Эски турмушнинг икки маразига қарши” [5], “Қизил тасмалар айланганда” [6],

“Муҳим масалалар томон” [7], “Мактабларимизга соғлом тарбия берайлик” [8], “Оналарга иш, болаларга кўчма беланчаклар керак” [9] каби бир қатор репортаж ва мақолалари чоп этилади ва даврнинг долзарб масалаларига бағишланади. Шунингдек, “Қўйинг, қувонсин” [10], “Тилагим йўлида” [11], “Баҳор” [12] каби бир қатор шеърлари ҳам эълон қилинади. Журналнинг ҳар бир сонидан энг камида 3–4та шеърый парчалар эълон қилиб борилган.

“Янги йўл” журналида мунтазам равишда қуйидаги мавзуларда мақолалар чоп этилган:

1. Аёлларнинг ижтимоий фаолияти: аёлларни ишлаб чиқариш жараёнига, завод ва фабрикаларда меҳнат қилишга қорловчи мақолалар; “Хужум” ҳаракати; аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши.

2. Оила ва никоҳ масалалари: эрта никоҳ, кўп хотинлилик, хурофот ва қолоқликка қарши танқидий мақолалар.

3. Таълим, илм-маърифат: қизларни мактабга жалб қилиш, саводсизликни йўқотиш, янги мактаб ва курслар очиш, ўқув дастурларини янгилаш;

4. Миллий маданият ва тил: ўзбек тилининг нуфузини ошириш ва бошқа мавзулар.

1927–1928 йилларда “Хужум” ҳаракатига бағишланган мақолалар журнал материалларининг аксариятини ташкил этади. Масалан, “Хужум”, “Хотин-қизлар масаласи”, “Паранжи”, “Хотин-қизлар турмушидан”, “Паранжининг чиқиши”, “Ўрта Осиёда паранжи” каби сиёсий руҳдаги мақола, хабар ва лавҳаларнинг мақсад ва вазифаларида шўролар мафкураси ва миллий уйғониш ғоялари бир-бирига чамбарчас боғланганини кўриш мумкин [2]. Журнал мақолаларида бир томондан, аёлларнинг эски хурофот ва урф-одатлардан воз кечиши талаб қилинса, иккинчи томондан, миллий қадриятларни сақлаб қолиш, ўзбек тили ва маданиятини ривожлантириш масалалари ҳам ёритилган. Муаллифлар турли миллат вакиллари ўзбек тилини ўрганишга қорлаб, уни умумий мулоқот воситаси сифатида илгари

сурдилар. Бу эса янги ўзбек миллий матбуотининг тараққиётида муҳим қадам бўлди.

Хусусан, журналнинг 1928 йил 3-сонида эълон қилинган “Тарихда хотин-қизлар” сарлавҳали мақоласини таҳлилга тортамыз. Мақолани мазмун ва услуб жиҳатидан жадиличиликдан шўро мафкурасига ўтиш даври публицистикасининг намунаси сифатида талқин этиш ўринли. Унда Ўрта Осиё аёлларининг аҳволи хурофот натижаси сифатида кескин танқид қилинади: “Дунё тарихида ҳеч бир дин ва ҳеч бир қонун хотин-қизлар масаласини, ҳақ ва ҳақиқатга ҳам инсониятга мувофиқ ҳал қилғони кўрилмайди.

Хусусан, Ўрта Осиё хотин-қизларининг ҳолларига кўз солсак, жуда фожиа ва кўнгилсиз манзаралар кўз олдимизда жонланади. Бу ҳолларнинг – эски одат, эски амаллар ислом динининг шакли мужассами бўлишида шубҳа йўқдир. Эр ўлгач, хотинни эр билан бирга тирик ҳолда кўмилиши ва қиз болаларни тириклай кўмиш, кучи етгунча хотин олишга ва хоҳласа ўлдиришга ихтиёрли бўлган эрлар – уларга берилган бу ҳуқуқлар, араб маданиятининг бирозгина енгиллашган одат ва анъаналарининг шакли эди. Ўрта Осиё халқи ҳам мазкур асослардаги ва уларни ўз шароитларига яраша ўзгартириб амал қилишдан четда қолмади – хотин-қизларни ҳаётдан бутунлай ажратиб ташлади” [2].

Шу билан бирга, мақолада танқид ислом динининг асл моҳиятига эмас, балки асрлар давомида маҳаллий урф-одатлар билан қоришиб кетган, дин ниқобига ўралган урф-одатларга қаратилганини кўриш мумкин. Бу муаллиф фикрларида жадиличиликка хос танқидий тафаккур сақланиб қолганини англатади: “Хотин-қизлар учун махсус ичкари ҳовлилар айириб, уларни тор ва ҳавосиз уйларга қамаб қўйдилар. Оталар бу одат ҳукми билан ўзларининг азиз қизларига сира шафқат этмас, 50–60 ёшли қарияларга сотиб юборардилар. Улар хотинларини эскирган кийимдек бир ёққа улоқтириб, гўё янги кўйлак олгандек, ёш қизларни сотиб олдилар. Шўролар ҳукумати ва коммунистлар фирқаси эрлар билан хотин-қизлар орасида кўп асрлар яшаб

келган бундай тенгсизликларни таг-томири билан йўқотиб, хотин-қизларга турмуш ва ҳаётдан ўз ҳиссаларини олиб берди. Демак, хотин-қизларга шўролар ҳукумати томонидан тарих бермаган бутун нарсалар берилди. Энди шу нарсаларни хотин-қизлар қабул қилиб, амалга оширмоқлари керакдир” [2].

Мақола сўнгидаги фикрлар хотин-қизлар озодлиги масаласи тўлиқ шўро ҳокимияти фаолияти билан боғланганлиги, маърифий ва ислохотчи руҳдан узоқлашиб, мафкуравий тарғибот руҳида бўлганлиги ҳақидаги хулосага олиб келади.

“Янги йўл” журнали устида хорижлик мутахассис ва олимлар ҳам тадқиқот олиб боришган. Жумладан, Британия кутубхонаси туркий тиллар тўпламлари куратори, фан доктори Майкл Жеймс Эрдман Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси томонидан 1926–1927 йилларда нашр этилган аёллар ва қизлар учун ойлик нашри – “Янги йўл” журналининг тўртта сони мазмунига бағишланган тадқиқотида нашр эски араб ёзувида чоп этилганлиги, материалларга фотосуратлар ва чизмалар илова қилинганлигини қайд этган. Шунингдек, журнал хотин-қизларни таълим соҳасидаги янгиликлардан хабардор қилиш, уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга мўлжалланганлигини, ҳатто Европа миллатига мансуб аёлларнинг “аёлларга хос бўлмаган” ишларда иштирок этиши ҳақидаги мақолалар ўрин олганлигини, фотосуратларда боши очилмаган, жилмайиб турган, механизмларни бошқараётган ва ғишт қўяётган мусулмон аёллар тасвирланганини айтади. Тадқиқотчи, нашрнинг анъанавий маиший соҳадан кенгроқ, тарғибот руҳида эканлигини, мақолалар ўрганилаётган давр руҳига хос, “пролетар ва деҳқон” аёллари улуғланган шеърларга бой бўлиб, “юзсиз буржуазия ва бойларга қарши курашаётган ишчи аёллар, меҳнаткаш аёллар учун ер ислохотининг аҳамияти” ҳақида ҳикоя қилишини, нафақат маҳаллий мавзулар, балки Европа аёлларининг турли соҳалардаги иштироки ҳақидаги маълумотлар ҳам берилганлигини таъкидлайди. Масалан, механизмларни

бошқараётган ёки қурилиш ишларида қатнашган аёллар тасвирланган фотосуратлар ўша пайтдаги ўзбек жамияти учун катта янгилик бўлган [15].

Шу билан бирга, журнал умумий маълумот берувчи материалларни ўз ичига олганлиги – масалан, бошқа этник гуруҳлар, астрономик кашфиётлар ва Миср тарихига оид (масалан, Тутанхамон қабри мўъжизаси каби) маълумотларни бериб борганлигини таъкидлаган. Натижада Эрдман шундай хулосага келади: “Бу даврий нашрлар аёлларни тарбиялаш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш ҳамда умумий (асосан Ғарб) маданияти билан таништириш учун мўлжалланган эди” [15].

Тадқиқотчи Зайнаб Муҳаммад Дўст “1920–2020 йилларда ўзбек матбуотида аёллар масалалари” сарлавҳали мақоласида “Янги йўл” журналида жадиदчилик ҳаракатида иштирок этган айрим аёллар фаолият олиб борганига эътибор қаратади. “Шунингдек, улар ижтимоий ва сиёсий жараёнларда иштирок этиб, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини кенгайтиришни тарғиб қилган. Хусусан, таълим соҳасидаги ислохотларни илгари суришган, чекланган мусулмон жамиятларида анъанавий гендер ролларни тенг тақсимланиши борасида жадидлардан илҳомланишган” [4].

АҚШ Индиана университетининг Марказий Осиё бўйича тадқиқотчиси, Марианна Камп (Marianne Kamp) Туркистон аёллари, хусусан, ўзбек аёллари ролининг XIX асрдан буён турли ҳукумат бошқарувлари давомида ўзгариши, уларнинг жамиятдаги ўрни ва фаолияти ҳақида “Ўзбекистон янги аёли: Ислом, Замонавийлик ва Коммунизм даврида паранжининг ечилиши” (Marianne Kamp. The new woman in Uzbekistan: Islam, Modernity, and Unveiling under Communism) [16] асари мустамлака давридаги сиёсий ўзгаришлар, жадидчилик ҳаракати ва совет тузуми таъсирида шаклланган ўзбек хотин-қизларининг ижтимоий қиёфасини атрофлича ёритиб бериши билан қимматли ҳисобланади. Камп бу асарида XX аср бошларидаги мусулмон жамиятидаги аёллар ҳаётини кенг қамровда таҳлил қилади. Унинг тадқиқоти нафақат тарихий маълумотларни тўплаш, балки

ўша даврдаги хотин-қизлар турмушини тўғридан-тўғри намоён этган манбаларни чуқур ўрганишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Асарнинг бешинчи бобида “Янги йўл” журнали ва унинг ижтимоий-мафкуравий вазифаси атрофлича таҳлил қилинган. Муаллиф бу нашрни жадиждлар ва коммунистлар позицияларининг маълум маънода уйғунлашган майдони сифатида тавсифлайди. Унинг фикрича, ҳар иккала оқим ҳам – жадиждлар ҳам, коммунистлар ҳам – ислохот тарафдорлари, яъни модернизаторлар бўлиб, аёлларнинг кўплаб анъанавий амалиётларини қолоқ деб билишган ва бу қолоқликни бартараф этиш орқали аёлларни замонавий ҳаётга жалб қилишни мақсад қилиб қўйишган.

Камп журналда чоп этилган бир ҳикояни мисол сифатида келтиради. Унда баҳор байрами – “Сайил” (“Наврўз” байрами кўзда тутилган) муносабати билан аёллар ҳовлиларда тўпланиб, овқат тайёрлашлари, қўшиқ айтишлари ва рақсга тушишлари тасвирланади. Байрам давомида аёллар оловдан сакраб ўтишга тозаланиш маросими сифатида қаралади. Жадиждлар ҳам, коммунистлар ҳам бу амалиётни хурофот сифатида қоралаган. Хусусан, жадиждлар уни нотўғри диний эътиқод деб баҳолаган бўлса, коммунистлар уни саводсизлик ва мантиқсизликнинг қолдиғи деб ҳисоблаган. Камп бу мисол орқали журналнинг мақсади – аёлларни ирқий ва диний хурофотдан холи қилиш, уларнинг онгини замонавийлаштириш бўлганини таъкидлайди. “Янги йўл”да чоп этилган мазкур мелодраматик ҳикояда гуноҳларидан покланиш мақсадида гулханга сакраб тушган қизнинг оловда ҳалок бўлиши орқали ўзбек жамиятини ислоҳ қилиш, ақл ва билимни афзал қўйиш ғояси очик намоён бўлади. Тадқиқотчи фикрича, газета ва унинг муҳаррирлари жадиждчилик тафаккури ва коммунистик мафкуранинг айрим нуқталарда уйғунлашган қиёфасини намоён этган. Журналда аёллар саводхонлиги, эрта никоҳни чеклаш, никоҳ ва оилавий муносабатларни ислоҳ қилиш, аёлларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий мақоми ҳақидаги мақолалар жадиждлар анъаналари билан ҳамоҳанг бўлиш баробарида, коммунистик партия сиёсатини ҳам қўллаб-қувватлаб турган.

Шундай қилиб, “Янги йўл” нинг пайдо бўлиши Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётининг янги босқичини бошлаб берди. У нафақат партиянинг тарғибот органи, балки миллий матбуот, аёллар озодлиги ва маърифати йўлидаги илк қадам сифатида ҳам тарихда ўз ўрнини топди. Бу жараён кейинги йилларда журналнинг кенг қамровли ижтимоий-маънавий минбарга айланиши учун мустаҳкам асос яратди. Унга раҳбарлик қилган муҳаррирлар ва ижодкорлар сафида замонанинг илғор қизлари, шу билан бирга коммунистик мафкура тарафдорлари ҳам, жаидчилик ғояларидан илҳомланган маърифатпарварлар ҳам бор эди.

1929 йилга келиб “Янги йўл” сиёсатида ва умумий ижтимоий муҳитда катта ўзгаришлар юз берди. Давр сиёсати устувор аҳамиятга эга бўлиб, аёллар матбуоти ҳам янги йўналишдаги тарғиботни кучайтиришга мажбур бўлди. 1930 йилдан журнал “Ёрқин турмуш” номи билан нашр этила бошлади. Янги ном замирида “совет турмуши ёрқинлиги” ғояси ётарди.

“Ёрқин турмуш” саҳифаларида хотин-қизларни колхоз ва совхозларда меҳнат қилишга чорловчи мақолалар, социалистик мусобақалар ҳақидаги ҳисоботлар, ишлаб чиқариш қаҳрамонлари билан суҳбатлар кўпайди. Бироқ журналнинг маърифатпарвар илдизлари тўлиқ йўқолиб кетмади: саводсизликни тугатиш, қизлар мактабларини кенгайтириш, китобхонлик маданиятини ошириш каби мавзулар ҳануз давом этар эди.

1950 йилларда журнал номи ва мазмунини янгилаб, “Ўзбекистон хотин-қизлари” деб атала бошлади. Бу даврда аёллар матбуоти нафақат тарғибот минбари, балки миллий маданият ва урф-одатларни сақлаш, санъат ва адабиётни ривожлантириш майдонига айланди. Илмий-амалий мақолалар, фольклор материаллари, ёш оилалар учун маслаҳатлар, тиббий маълумотлар чоп этилиши унинг ўқувчилари доирасини янада кенгайтди.

Журнал 1966 йил май ойидан “Саодат” номи билан чиқа бошлади. “Саодат”нинг асосий шиори – “замонавий аёлнинг маънавий камолоти” бўлиб, у бугунги кунда ҳам ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Бу узлуксиз

ривожланиш йўли “Янги йўл”да бошланган мафкуравий ва маънавий ҳаракатнинг бир асрдан ортиқ тарихий меросга айланганини кўрсатади.

Давр руҳидан келиб чиқиб 1925–1934 йиллар “Янги йўл”, 1936–1937 йиллар “Ёрқин турмуш”, 1936–1941 йиллар “Ёрқин ҳаёт”, 1950 йил октябридан 1966 йил апрелгача “Ўзбекистон хотин-қизлари”, 1966 йил май ойидан ҳозирга қадар узлуксиз “Саодат” номида чоп этилади.

“Янги йўл” ва унинг ворис нашрлари ўзбек жамиятида аёллар мавқеини тубдан ўзгартиришга хизмат қилди. XX аср бошида аёллар учун таълим олиш имкониятлари чекланган, сиёсий майдонда қатнашиш эса деярли мумкин эмас эди. Журнал орқали минглаб қизлар савод чиқариш курсларига ёки янги мактабларга йўналтирилди. Унда эълон қилинган турли мавзулардаги мақолалар, амалий маслаҳатлар, ўқув дастурлари орқали аёллар нафақат билим олишга, балки ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга даъват этилди.

Хулоса шундан иборатки, “Янги йўл” журнали – XX асрда ўзбек аёлларининг маънавий, ижтимоий ва маданий юксалишида бекиёс ўрин тутди. Журнал турли сиёсий даврлар, мафкуравий босқичларга мазмунан хизмат қилган бўлса-да, асосий мақсад – аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, билим ва тафаккурини кенгайтиришда муҳим рол ўйнади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алимова. М. Ўзбекистонда аёллар матбуоти тарихи. – Тошкент: O‘zbekiston, 2020.
2. Бузрук, Миён. Тарихда хотин-қизлар // Янги йўл. – 1928. – №3.
3. Матёкубова Д. Ўзбекистон аёлининг янги қиёфаси: У қандай шаклланган? XIX-XX аср аёлларининг модернизацияга чақируви // 9 ноябр, 2018 йил, <https://www.uzanalytics.com/tarix/3330/> (мурожаат санаси: 23.04.2025)
4. Мухаммад дўст, Зайнаб. Женский вопрос в узбекских СМИ от 1920-х до 2020-х гг., 14 мая, 2020, <https://www.caa-network.org/archives/19784> (мурожаат санаси: 9.01.2026)

5. Раҳим қизи, Маҳбуба. Эски турмушнинг икки маразига қарши //Янги йўл, 1929. – № 6.
6. Раҳим қизи, Маҳбуба. Қизил тасмалар айланганда //Янги йўл, 1930. – №3.
7. Раҳим қизи, Маҳбуба. Муҳим масалалар томон //Янги йўл, 1930. – №7.
8. Раҳим қизи, Маҳбуба. Мактабларимизга соғлом тарбия берайлик //Янги йўл, 1930. – №7.
9. Раҳим қизи, Маҳбуба. Оналарга иш, болаларга кўчма беланчаклар керак //Янги йўл, 1932. – №8-9.
10. Раҳим қизи, Маҳбуба. Қўйинг, қувонсин //Янги йўл, 1927. – №2.
11. Раҳим қизи, Маҳбуба. Тилагим йўлида //Янги йўл, 1927. – №7.
12. Раҳим қизи, Маҳбуба. Баҳор //Янги йўл, 1927. – №4.
13. Саид, Зиё. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870 – 1927). – Тошкент, Самарқанд: Ўздавнашр, 1927.
14. Шомуродова С. “Янги йўл”дан “Саодат”гача // Жадид, 2024. – №11.
15. Maykl Jeyms Erdman // [Central Asian Analytical Network](https://www.caa-network.org/archives/19784), [Iyun 8, 2020.](https://www.caa-network.org/archives/19784)
<https://www.caa-network.org/archives/19784> (мурожаат санаси: 9.01.2026)
16. Marianne Kamp. The new woman in Uzbekistan: Islam, Modernity, and Unveiling under Communism. – USA.